

VOLUME II | ISSUE 2 | FEBRUARY

Journal of Culture and Art

КУЛТУРА И ИСКУССТВО
МАДАНИЈАТ ВА САНЃАТ

| 2024

ISSN: 2181-4562



Available online at www.imfaktor.com

 **IMFAKTOR**
Science driven pages

ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 2-СОҢ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-II, НОМЕР-2

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-II, ISSUE-2

ТОШКЕНТ – 2024

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2024-2>

БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал
Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиев Иқбол
Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
кафедра мудири, профессор в.б., Санъатшунослик
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим
Козимович
Ходжаметова Гулчира
Илишевна

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни
ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус
филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих
фанлари номзоди, профессор

Абдувоҳидов
Фахриддин
Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
кафедра мудири, доцент, Санъатшунослик фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Кадиров Рамз
Турабович
Умаров Мамур
Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна
нутқи” кафедраси доценти

Худоев Ғани
Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси
профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Бердиханова Шахида
Нурлыбаевна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Чолғу ижрочилиги ва мусиқа назарияси” кафедраси
профессори в.б., Санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон
Раимқулович

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати
институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси”
кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Суннатиллаев Асатилло
Суннатович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта
ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Алланбаев Рудакий
Оринбаевич
Зиявутдинова Зулфия
Усеиновна
Раимова Дилфузахон
Махаммадсолиевна
Ботирова Хилола
Турсунбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати
институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-
педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил
изланувчи (PhD)

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, “Шуҳрат”
медали соҳиби, профессор в.в.б

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

“Мусиқа санъати” ихтисослиги бўйича доцент

*“Маданият ва санъат” журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган. Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.7 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.***

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Мўаллифлар жамоаси, 2023 йил.

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

ИБРАГИМОВА Умида Наврўзона*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти**“Саҳна нутқи” кафедраси**катта ўқитувчиси*<https://doi.org/10.5281/zenodo.10638300>

ТАРИХИЙ ШАХС ОБРАЗИНИ ЯРАТИШДА ТИЛ ВА НУТҚНИНГ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўзбек классик адабиётининг улуғ вакилларида бири шоир, тасаввуф олими Бобораҳим Машраб ҳаётига бағишланган спектакл ҳақидадир. Актёр нутқи устида ишлаш жараёнида асосий эътиборни сўзларнинг ғоявий мазмунини чуқур таҳлил қилиб, тушуниб, ўрганиб олиши, ижрода ҳиссиётларни ҳаққоний, ҳаётий қилиб ифодалаши, овози жаранглаб, тўлқинланиб, содда ва ишонарли чиқиши мақсадга мувофиқ. Спектаклда тарихий шахс образи, асар тили ва актёрлар нутқи таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: спектакл, ижро, образ, асар тили, актёр, тарихий шахс, овоз, сўз, асар, сахна, театр, талаффуз.

ВАЖНОСТЬ ЯЗЫКА И РЕЧИ В СОЗДАНИИ ОБРАЗА ИСТОРИЧЕСКОЙ ЛИЧНОСТИ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена пьесе, посвященной жизни Боборахима Машраба, одного из величайших представителей узбекской классической литературы, поэта и мистика. В процессе работы над речью актера желательнее основное внимание уделить глубокому анализу, пониманию и усвоению идейного содержания слов, реальному и жизненному выражению эмоций, сделать так, чтобы его голос звучал, волна и звук простой и правдоподобный. В спектакле анализируется образ исторической личности, язык пьесы, речь актеров.

Ключевые слова: спектакль, спектакль, образ, язык произведения, актер, историческое лицо, голос, слово, произведение, сцена, театр, произношение.

THE IMPORTANCE OF LANGUAGE AND SPEECH IN CREATING THE IMAGE OF A HISTORICAL PERSON

ANNOTATION

This article is about the play dedicated to the life of Boborahim Mashrab, one of the greatest representatives of Uzbek classical literature, a poet and mystic. In the process of working on the actor's speech, it is desirable that the main attention should be paid to deeply analyzing, understanding and learning the ideological content of the words, to express emotions in a real and vital way, and to make his voice ring, wave, and sound simple and believable. The performance analyzes the image of a historical figure, the language of the play, and the speech of the actors.

Key words: performance, performance, image, language of the work, actor, historical person, voice, word, work, stage, theater, pronunciation.

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театрида 2003 йилда мумтоз асар перемьераси бўлиб ўтган эди. Бу Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссёр Аҳад Фармонов томонидан “На малакман на фаришта” асари асосида сахналаштирилган “Машраб” спектакли эди. Режиссёр Аҳад Фармонов мазкур театрда узоқ йиллардан бери ишлаб, ўнлаб асарларни сахналаштирган. Уларнинг аксари комедия жанридаги томошалардир. Шунинг учун “На малакман, на фаришта”ни режиссёр ижодий фаолиятида алоҳида ҳодиса бўлди, дейиш мумкин.

Спектакль ўзбек классик адабиётининг улуғ вакилларида бири, шоир, тасаввуф олими Бобораҳим Машраб ҳаётига бағишланган. Алломанинг ҳаёти, ижод йўли ҳақида маълумотлар жуда кам. У ҳақида XVIII – XIX асрларда тузилган тасаввуфий йўналишдаги асарларда айтиб ўтилган. Уларда келтирилган маълумотлар ҳам бир-бирини инкор этади. Фақат “Девона Машраб”, “Эшон Машраб”, “Шоҳ Машраб” номлари остида халқ орасида кўлэзма ва тошбосма шаклидаги ёзувларда шоирнинг ҳаёт йўли, ижоди ҳақида тартиб билан берилган. Унинг фожеали ўлими сабаблари ҳақида турли манбаларда турлича ёзилган.

Машраб адолатсизликка, зулмкорликка, қабоҳатга қарши турувчи, мунофиқ амалдор-у, диндорларни устидан кулади. Машраб ижодида фақат Аллохнинггина тан олиш, якка унгагина чин муҳаббат қўйиш ва унинг васлига талпиниш жараёнида баъзи ғализ ҳаракатлар қилади. Сўфий адабиётда асрлар давомида қарор топган рамзлар яъни, “Ёр”, “Жонона”, “Май”, “Висол” каби тушунча ва иборалардан ишлатади.

Пьесанинг “На малакман, на фаришта” деб номланиши ҳам бежиз эмас. Чунки, Машрабнинг ҳаёти дарбадарликда, мусофирликда ўтади. Уни эшитган халқ хурсанд ва қувонч билан кутиб олса, амалдорлар, ҳокимлар, риёкор руҳонийлар совуқ қарши олади. Машрабдан балодан қочгандай қочадилар. Шоирнинг фожеавийлиги ҳозиргача кўпчилик ижодкорларда кизиқиш уйғотмоқда.

“На малакман на фаришта” асари Машрабнинг дорни кўриб келиши, бу дор унга аталганлигини билиши билан бошланади. Асар айнан мана шу Жаллод ва Машраб сахнасини ёзишдан бошланади. Бу бадий мушоҳада асаридир. “Муллавали ўғли Бобораҳим Машраб тарихий шахс. Наманганнинг Бўзчи деган жойига бориб у кишининг маҳалласида бўлганман. Соё бўйида экан. Мадрасага кирдим. У ердаги муллалардан сўрадим. У ерда Машрабнинг устози Муллабозор Охун ҳазратларининг қабри бор. Аслида вариантларда Машраб Андижонда туғилиб, кейинчалик Наманганга келиб яшаган дейилган”- дейди асар муаллифи.

Тарихий буюк инсонлар ҳақида асар ёзилар экан, ёки унинг ролини ижро қилинар экан ёзувчи, актёр елкасида улкан масъулият юки туради. Мен ҳам айни асарни ёзишдан олдин вужудимда илиқлик сезганман. Шундан кейин монологлар ўзидан-ўзи кела бошлади. Машраб 1711 йилда қатл қилинган. Уни бир манбада 71 ёшда эди, дейилса, бошқа бир манбада 54 ёшда эди, дейилади. Шу нарса мени ўйлантирган.

Асаримда Машрабнинг ёши нечада бўлади, деган савол қийнаган. Агар асар сахналаштиришса, актёрга 71 ёшли Машрабдан 54 ёшли Машрабни ижро этиш учун қулайроқ, дея уни 54 ёшда тасвирладим” [1].

Шунинг учун ҳам бир монологида шундай сўзлаб бор:

*Эллик тўрт йил замин бағрида,
Аллоҳу акбар деб яшадим қасддан
Жонимга фароғат топмай йиғладим,
Шамолда тўзғидим бамисли барҳам,
Риёзат йўлига урдим ўзимни,
Аллоҳнинг жамолин ундан изладим.
Тангрим қалбимга солган сўзини,
Тилимга кўчирдим ростин сўзладим.
Хонавайрон бўлган ожиз жисмимда
Йўқ эди хасад, гийбат, хиёнат
Телба деб ортимдан маломат қилган
Зохидлар зулмига айладим тоқат
Чидади, чидайман, токи қиёмат*

Муаллиф асарни қирқ кун ичида ёзиб тугатади, сахнага қўйилади. Машрабни театрнинг икки маҳоратли актёрлари ижро этди. Абдуғани Рўзиев эмоционал, ролни тушуниб, ҳис қилиб ижро этган бўлса, Мирза Азизовда эса пафосли ижро бўлган, бутун вужуди билан ижро қилган.

Овоз нуқтаи назаридан М.Азизовда чегараланган баритон овоз бўлса ҳам, овозидаги ширали хрепи инсоннинг қулоғига жуда ёқимли эшитилади. Актёр речтативдан фойдаланади. Арияда ҳам куйлайди, ҳам гапиради. Бу техникани ҳамма ҳам ишлатавермайди.

Абдуғанининг тенор овози, арияларни жуда мукамал, маромига етказиб айтар эди. Иккови ҳам талаб даражасида яхши ўйнашган. Лекин шуни айтиб ўтишим ҳам керакки, асарни сахнага чиқиши учун Мирза кўп жон куйдирган.

Асар ёзилиш жараёнини эшитган Маъруф Отажонов “мен Маҳмудхонни ўйнайман, мен учун ёзасан”, деган таклифни муаллифга айтади. Бу ҳақда муаллий шудай эслайди: “Ҳаттоки мени кўрмаса, кафедрага келиб эълон тахтасига “Бугун Маҳмудхонни монологини эшитишим керак эди”, деб ёзиб кетар эди. Монолог ёзсам албатта Жўра Маҳмудов, Жўра Ортиқов, Баходир Назаровларга кўрсатар ва фикрларини олар эдим ” [2].

Ариялар Машрабнинг ўзининг ғазалларидан олинган. Фақат иккита ария Муниса ва Оффокўйнинг монологлари муаллиф қаламига мансуб, холос. Айни монологларнинг таъсир кучини эътироф этмасликнинг имкони йўқ. Айниқса, бир сингил сифатида дардлари, соғинчи, андуҳларини баён этаётган Мунисанинг монологи орқали томошабин Машрабнинг инсоний кечинмалари, фазилатлари, хиссиётларини чуқурроқ англайди. Жавобсиз деб ўйлаган муҳаббатининг гирдобига ғарқ бўлаётган Оффокўйнинг монологи орқали эса иродали ва кучли аёл тимсоли гавдаланади.

“Асарни театрда олиб борганимда тўғриси, кўришни ҳам, эшитишни ҳам ҳохлашмаган. Ўшанда театрнинг бош режиссёри Носир Отабаев эди. Р.Маъдиев эса “...театрга драматург асар кўтариб келсаю, бу қанақаси эшитмасдан, кўрмасдан чиқариб юборилса”, дегани қулоғимга чалинган. Кейин мени қайтадан театрда чақиришди. Театрнинг маҳоратли актёрлари Фароғат Раҳматова, Мирза Азизов ва бир гуруҳ етакчи ижрочиларига асарни ўқиб берганман. Ҳалиям эсимда Ф.Раҳматова асарни эшитиб баъзида кулиб, баъзида йиғлаб эшитган эди.

Асар кўпчиликлари маъқул келди. Асарни сахналаштириш учун Фарғонадан Мухаммадсоли Юсуповни чақирилган. 1996 йилда режиссёр мен ва Арсен Исмоиловни чақириб прагонни бизга кўрсатди. Спектакль деярли тайёр эди. Лекин театрнинг ички ўйинлари сабаб премьераси бўлмади. Сабабини эса маблағ билан боғланди. Орадан 2 йил ўтиб, 1998 йилда асарни Аҳад Пармонов сахналаштирди [3].

Бу спектаклни томошабин катта қизиқиш билан қилди. Театршунослар, мутахассислар сахна асари ҳақида илиқ фикр билдирди. Хусусан, спектакль ҳақида Ш.Ризаевнинг мақоласини эълон қилди.

Оффоқой ролини Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойхонова ижро қилган. Сахна асарида Хон-Б.Холмирзаев ва Оффоқой-З.Бойхонова тандеми бетакрор тарзда ижро қилинган. Асар вилоятларда ҳам кўйилган. Самамарқанд театрида Баходир Назаров, Фарғонада Мухаммадсоли Юсупов, Жиззахда Илхом Норматов сахналаштирган. “Машраб” спектаклига мусиқани Ф.Олимов басталаган.

Насрулло Қобилов ўз асарида комил инсон даражасига етган Машрабнинг яшашдан мақсадини ғазаллари таҳлили орқали очиб берган. Шунинг учун ҳам асар бирон бир адабий жанрда белгиланмай, бадиий мушоҳада деб аталган. Унда Машраб таълимоти “...буюклик оддийликда, ҳар бир инсон валийлик даражасига кўтарилиши ва шу билан бирга оддий инсон сифатида қолиши мумкин”лигини илгари суради. Драматург Маҳмудхон ва Машрабнинг суҳбатига асар ғоясини сингдиради. Спектакль ғояси айни сахнада намоён бўлади.

Адабий асарда Машрабнинг ҳаёт йўли аниқ ва содда тил билан ифодаланган. Унда меҳр-оқибат, самимийлик каби инсоний фазилатлар улуғланади. Бош қаҳрамон шоир-девоани Машраб ижодий фаолияти давомида одамлар қалбида маънавий қашшоқликка қарши курашади. У илоҳий ишққа интилиши орқали атрофидагиларни комиллик сари бошлашга ҳаракат қилади. Бироқ шоирнинг ҳаракатлари дин пешволари томонидан қораланади ва уни бир умр таъқиб қиладилар. Бу эса алломанинг фожеали ҳалокатига сабаб бўлади.

Пьеса билан унинг сахна вариантыда анчагина фарқ бор, чунки буни драматург ва режиссёр ҳамкорлигининг табиий кўриниши, деб қабул қилиш керак. Сахнада режиссёр фармондор. Унинг кўрими, сахна ва мизансаҳналар ечими спектакль тақдирини белгилайди. Шу маънода Аҳад Фармонов ўқиш учун равон асарни кўриш учун жозибали томошага айлантирган. Икки ижодкор – режиссёр ва драматург- ҳамкорликда мушоҳада учун асос, томошабиннинг ички муносабатини шакллантириш учун маънавий озуқа берган.

Спектаклда муваффақиятли жиҳатлар, режиссёрнинг оригинал топилмалари, сахна безагидаги рамзий маънолар талайгина. Бу асарнинг яхлит ҳолдаги сахна талқинидан тортиб, образлар, мусика, сценография, мизансаҳналар, актёрлар танланиши ва ҳоказолардаги мутаносибликда яққол кўзга ташланади. Режиссёр кўп ўринларда шартли усулларга, рамзийликка урғу беради.

Драматик тўқнашувлар, персонажлар ўртасидаги диалоглар, қаҳрамонларнинг ҳис-туйғуларини ифодаланиши, воқеалар ривожига сўз ва қарама-қаршиликларнинг аниқлиги режиссёрга спектаклни сахналаштиришда ёрдам берди. Асарда персонажларнинг ёши, феъл-атвори муаллиф томонидан кўрсатилмаган. Бундан режиссёр унумли фойдаланган ва рол тақсимоотида муваффақиятга эришган. Чунки асар қатнашчилари актёрлар ёши, дунёқарashi, профессионаллик даражаси ва тажрибасига мос келади. Режиссёр томонидан актёрлар жамоасининг тўғри танланганлиги спектакль муваффақиятини таъминлади.

Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойхонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мирза Азизов, Боир Холмирзаев, Ҳакимжон Носиров, театрнинг истеъдодли актёрлари Абдуғани Рўзиев, Турсунбой Пиржонов, Гулчеҳра Носирова, Дилмурод Узоқов, ёш актёр-актрисалардан Зилола Ёвқочова, Мурод Тўракул ўз ролларини маҳорат билан ижро этди.

Пьеса Жаллод ва шогирд суҳбати билан бошланса, спектакл қаландарлар қўшиғи билан бошланади. Қаландарлар дунё лаззатларидан воз кечиб, саргардонлик ва машаққатлар эвазига ҳаққа интилган кишилардир [4].

Биринчи сахна, қаландарлар қўшиғи билан бошланиши Машрабнинг ҳақ йўлидаги комилликка, маърифатга чорлашлари намоён бўлганлиги ва ўзининг орқасидан издошларини (хор жамоаси қаландар кийимида) эргаштирганлиги кўринади. Оффоқой кўринадиган биринчи сахнада “Тушди савдойи муҳаббат бошима” ариясини куйлар экан, унинг танасидан гўёки бир руҳ раққоса чиқиб, аёлнинг ҳижрон азобларини янада теранроқ ҳис қилишга ёрдам берадиган рақс ижро этади. Бу рамзий топилма аёлнинг қалбида кечаётган зиддиятли туйғуларнинг ҳам яққол ифодаси бўлиб, Оффоқойнинг қалбининг тубида ётган “мени” бош кўтаради. Раққоса қиёфасида Машраб ишқида ёнаётган севги асирасини кўриш мумкин. Оффоқой адолатли ва ўзини суйгувчи Маҳмудхонни ҳурматла қилади бироқ, қалбининг туб-тубига жойланган муҳаббати Машрабни ҳам ҳамиша ҳаёлида тутати. У қай бир маънода бурч ва муҳаббат ўртасида юраги пора-пора бўлиб ўртанаётган аёл. Муаллиф Оффоқойга берган характери Зулайҳо Бойхонованинг вокал имкониятида, тажрибасида маромига етказиб ижро этиб берилган. Актриса муаллиф ғояси, режиссёр топшириғини тўғри тушунган. Томошабинга етказишда кўп меҳнат қилгани кўриниб турибди.

Асар ғоясини аниқроқ ифодалашда сахна безакларининг, декорациянинг ўрни ҳам катта. Ҳозирги кунда фаол ижод қилаётган рассомлардан бири Ўзбекистон санъат арбоби Бахтиёр Тўраевнинг “Машраб” спектакли декорацияси устида олиб борган изланишлари бесамар кетмади. Унинг учбурчак шаклида ишлаган устунларида уч хил кўриниш ифодаланган. Воқеа маконини кўрсатишда фойдаланилган устунларнинг бир томони даштни (яъни Машрабнинг қаландарлигини кўрсатиш учун), иккинчи томони саройни, учинчи томони эса Маликанинг хос хонасини кўрсатади. Бундай ихчам ва ҳар томонлама қулай бўлган декорация актёрларнинг сахнада бемалол ҳаракат қилишларига имкон яратади.

Композитор Фарҳод Олимов пьеса учун куй ва ариялар ёзишда, шоир Машрабнинг қаламига мансуб ғазалларидан фойдаланганлиги спектакл воқеалари ривожини, персонажларнинг кечинмаларини ифодаловчи арияларга хорнинг жўр бўлиши спектакл таъсирини янада оширган. Костюмлар персонажлар характерига ва даврга мос тарзда танланган. Машрабнинг қаландарлик либосида бўз кўйлак, жанда ва ямоқ солинган кулоҳда кўриниши унинг дунё лаззатларидан, безакларидан воз кечганлигини билдиради.

Спектакль сўнгида режиссёр топилмаси, Машраб осилгандан кейин, танасидан унинг руҳи чиқиб кетиш сахнасида чироқ усталарининг маҳорати кўзга ташланади. Унда майда чироқлардан одам сиймоси чизилиб, кўкка чиқаётгани тасвирланади. Машраб ва Маҳмудхон сахнаси ҳар икки образни англашга имкон берадиган ғоят зарур сахна. Мазкур кўринишда Маҳмуд Қатағон сиймоси драматург талқинида илмий-тарихий ёндашувлардаги жоҳил, қаттол ҳукмдор тимсолига қарши шоҳлик, ўзини ўраган муҳит тазйиқи билан маърифат, оддий инсоний туйғулар тўқнашувида чора излаётган шахс сифатида намоён бўлади.

Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Спектаклда Машрабга кароматгўй сифатида урғу бериб қўйилган. Асарда Маҳмудхон “Исминг нима?” – деб сўраганида “Аналҳақ. Худой” дейиш билан Машраб “ҳаммамиз худонинг бандасимиз шунингдек, мен ҳам” демоқчи бўлган. Спектаклда ушбу сўзнинг таъсир кучини ошириш мақсадида декорациялар кимирлатилган. Бу билан Машрабни пайғамбарлар даражасига кўтариб қўйилган. Шунингдек, спектакль давомида унинг темпоритми тушиб, кўтарилиб туради.

Машраб сиймосини тасвирлашда ифода воситаларидан унумли фойдаланилмаган. Жонли оркестр куйи орқали Машрабнинг қалб тугёнлари бериш асарнинг руҳини кўтарган бўлар эди. Спектакль бугун ҳам театр репертуарида. У бугун театрнинг ёш актёрлар жамоаси томонидан ижро этилмоқда.

Хулоса ўринда шуни айтиш мумкинки, Нутқ устида ишлаш, монолог ва диалогларни ёдлаш актёрларнинг эслаш қобилиятини ривожлантиришда, билим савияларини оширишда, товушларнинг мусиқийлигини, жозибасини ҳис қилишда, сўз бойлигини оширишда, воқеани тасаввур қилишда муҳим аҳамият касб этади. Актёр нутқи устида ишлаш жараёнида асосий эътиборни сўзларнинг ғоявий мазмунини чуқур таҳлил қилиб, тушуниб, ўрганиб олиши, ижрода ҳиссиётларни ҳаққоний, ҳаётий қилиб ифодалаши, овози жаранглаб, тўлқинланиб, содда ва ишонарли чиқиши мақсадга мувофиқ. Мусиқали театр актёрлари айна масалага жиддий ёндашади ва эътибор беради. Шу жиҳатдан театр актёрларининг муваффақият эътирофи этиш лозим.

ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES.

1. Асар муаллифи, драматург Н.Қобил билан бўлган суҳбатдан 2021 йил.
2. Ўзбек адабиёти тарихи. Маъруза матни, 2001 йил. 3 бўлим, 19 бет.
3. Носирова А. Жонли сўз санъати асослари. – Тошкент. 2003.
4. Холиқулова Г.Э. Саҳна нутқи (тарихий драмалар мисолида) – Тошкент, ЎзДСИ, 2008.

ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-II, НОМЕР-2

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-II, ISSUE-2

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz